

Абдуллаев Аминбай Гулмирзаевич
Урганч давлат университети, География кафедраси доценти (PhD),
Ўзбекистон

Абдуллаев Аминбай Гулмирзаевич
(PhD) доцент кафедры Географии Ургенчский государственный
университет, Узбекистан

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КЛАСТЕРЛАРИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашиши шароитида озиқ-овқат саноати кластерини ташкил этиш ва уни ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Саноат кластери, ҳудудий мужассамлашув, маҳаллийлаштириш, бойитилган маҳсулотлар, модернизациялаш, қорамолчилик комплекси, гўшт консерваси, музлатгичли омборлар.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ КЛАСТЕРОВ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Аннотация: рекомендованы по организации продовольственного кластера и совершенствованию его региональной структуры в условиях интеграции национальной экономики в мировую хозяйству.

Ключевые слова: промышленный кластер, территориальное концентрация, локализация, обогащенные продукты, модернизация, животноводческий комплекс, мясные консервы, холодильные склады.

REGIONAL RECOLIARITIES OF THE DEVELOPMENT FOOD INDUSTRY CLUSTER

Annotation: recommendations on creating a food cluster and improving its regional structure in the context of integrating our national economy into the global economy.

Key words: industrial cluster, regional integration, localization, enriched products, modernization, livestock complex, canned meat, refrigerated warehouses.

Кириш. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида саноат кластерини шакллантириш жуда муҳим ва айнан Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати унинг асоси бўлиши мумкин. Лекин озиқ-овқат саноати салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш учун ушбу мажмуа тармоқларини, биринчидан, етиштириладиган қишлоқ хўжалик хомашё

маҳсулотларини самарадорлигини ошириш; иккинчидан, вилоятнинг ўзида қайта ишланадиган озиқ-овқат хом ашёсининг улушкини ошириш; учинчидан, ташқи иқтисодий омилдан янада самарали фойдаланиш мақсадида тармоқдаги тайёр маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида кўтариш ва модернизация қилиш зарур. Шу билан бирга, ҳукумат томонидан озиқ-овқат саноати тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадли дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур, нафақат вилоят иқтисодиётида, балки миллий иқтисодиётимизга, жаҳон хўжалигига интеграциялашиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг миллий нуфузини кўтариш ва миллий давлат манфаатларига жавоб берадиган сиёsatни амалга ошириш имконини беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини барпо этишда «хомашё – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот» шаклида иқтисодий-географик жиҳатдан ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишни такомиллаштириш.

Асосий қисм. Вилоят озиқ-овқат саноати кластерининг ҳудудий таркибини ривожлантиришда қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиб:

- бозор иқтисодиёти шароитида жойларда йирик ишлаб чиқариш барҳам топди;
- аста-секинлик билан саноат тармоғининг аксарият соҳаларида (унёрма, ёғ-мой, шакар, алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришдан ташқари) ишлаб чиқариш кичик бизнес соҳасида йиғила бошланди;
- ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида эски технологиялардан фойдаланилиш ҳолатлари кузатилади;
- ишлаб чиқаришда марказлашув қучайди, тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари Урганч шаҳри ва Урганч туманида тўпланиб қолди;
- саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажми қисқарган бўлса-да, ассортименти кенгайди;
- маҳаллий хомашё билан билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш қувватлари юзага келди.

Озиқ-овқат саноатининг қатор тармоқлари, хусусан, ёғ-мой, ун-ёрма, алкоголли ва ноалкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш юқори даражадаги худудий мужассамлашуви иқтисодий жойлаштириш омиллари нуқтаи-назаридан қонуний ҳолдир. Айни вақтда, саноат тармоғини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ички истеъмол нуқтаи назаридан ёндашиш ҳам лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, вилоятда озиқ-овқат саноати кластерини босқичма-босқич ривожлантириш талаб этилади. Ҳозирда давом этаётган босқичда республика аҳолиси ички истеъмолини маҳаллийлаштиришни давом эттириш лозим. Ушбу босқични 2022 йилларга бориб якунлаш керак. Ушбу даврда вилоят саноат тармоғига йилига ўртача 50-100 млн АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш ва бунга асосан кичик бизнес секторида имтиёзли кредитлаш асосида амалга ошириш мақсадга мувофик.

Ушбу **биринчи** босқичда (2017-2022 йиллар) озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан турли консерва, шарбат маҳсулотларининг ташки бозорга йўналтирувчи қувватларини барпо этиш тавсия этилади. Ушбу соҳаларни тараққий эттириш республика тармоқ дастурида ҳам ўз аксини топган бўлиб, маҳсулотлар сифатини ошириш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, темир моддасига бойитилган ун, қора ун маҳсулотлари, йодланган туз ишлаб чиқаришни рағбатлантириш шулар қаторига киради. Ушбу масалаларнинг айримлари, хусусан, 2017-2022 йилларда амалга оширилган дастурлар доирасида маълум даражада ҳал қилинди [4].

Тармоқ ривожланишининг **иккинчи** босқичида (2023-2027 йиллар) вилоятда озиқ-овқат саноатини экспортга йўналтиришга катта аҳамият бериш лозим. Хусусан, сут ва гўшт саноати озиқ-овқат маҳсулотларига тенглаштирилган ярим маҳсулот ҳамда таркиби бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш асосий ўрин тутиши лозим. Айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда табиий маҳсулотлар

тайёрлаш анъанаси кучаяётган бўлса-да, аҳолини хилма-хил эҳтиёжини қондириш ёки янги эҳтиёжларини яратишда озиқ-овқатга тенглаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам катта аҳамият касб этади.

Тармоқ саноатини ривожлантиришнинг **учинчи** босқичида (2028-2032 йиллар) ички истеъмолни маҳаллий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқатлари билан тўла таъминлашга эришиш ҳамда вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашни тармоқларда 25 фоиздан 75 фоизгача етказиш, озиқ-овқат маҳсулотларига тўла товар хусусият берувчи амалиётларни жорий этиш талаб этилади [3].

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бевосита қишлоқ хўжалик хом ашёсини сақлаш, қадоқлаш, тозалаш каби вазифаларни ўзида қамраб олган тизимни шакллантириш билан ҳам боғлиқдир. Ушбу тизимни биринчи босқичининг ўзидаёқ шакллантириш катта аҳамиятга эга. Чунки, ишлаб чиқаришда уларни эътиборга олмаслик йирик йўқотишларга олиб келган кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Вилоятда етиштирилаётган барча қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотларини бутунлай қайта ишловга тортиш тўғри келмайди. Чунки, дунёning ҳеч қайси мамлакатида бундай амалиёт кузатилмайди (техник озиқ-овқат хом ашёси, ун маҳсулоти бундан мустасно), яъни қатор озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар дастурхонига фақат қадоқланган ёки тозаланган ҳолда софлигича етказиб берилади [1].

Тармоқда аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда турадиган ун саноати ишлаб чиқариши корхоналарини тўла модернизациялаш, хомашё сақлаш, элеватордан ўтказиш тизимларини яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Ҳозирги вақтда вилоятда тўртта йирик ун комбинати фаолият юритмоқда. Шовот ун-ёрма комбинати ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноқли корхоналар қаторига киради. Саноат тармоғининг ҳозирги ҳолати қониқарли ахволда эмас, яъни тармоқ корхона 70-75 фоиз қувват билан фаолият юритмоқда. Корхоналар асосан маҳаллий хомашё негизида ишлайди. Вилоят бозорларида хориждан, асосан

Қозоғистондан келтирилган ун маҳсулотлари аҳоли истеъмолининг 10-15 фоизини ташкил этади [3].

Ун саноатини ривожлантириш бевосита унга ишлов берувчи саноат тармоқлари нон, қандолат, макарон ишлаб чиқаришни тараққий эттириш билан ҳам боғлиқдир. Келажакда бутун республикада бўлгани каби буғдой етиштириш ҳажми камайиб бориши кутилади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг барча турларини бирдай маҳаллийлаштириб бўлмайди, бу худудий меҳнат тақсимотидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шу боис, республикада маълум даражада ғалла импортини тиклаш (қаттиқ буғдой) ички бозордаги ун маҳсулоти етишмовчилигини, яъни тайёр маҳсулот импортини чеклаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, ун хом ашёсини қайта ишловчи тармоқлар ривожланишини таъминлайди.

Вилоятда айрим йиллари ёғ-мой саноати хом ашёнинг (соя) 10-15 фоизи четдан келтирилган. Чунки, пахта етиштиришнинг камайтирилиши юқоридаги ҳолатни келтириб чиқарди. Айни вақтда аҳоли сонининг ўтган асрнинг 90- йилларга нисбатан 1,5 баробарга ортганлиги, аммо ишлаб чиқариш ҳажмининг 2 мартадан ортиқ камайганлиги соҳада қатор ислоҳотларни ўтказишни талаб этади. Тўғри, вилоятда ўсимлик ёғи етиштириш ҳозирда ички истеъмолдан 1,5 марта юқори ихтисослашган соҳа саналади, аммо республикада хориждан ёғ маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Шу боис, вилоятнинг ерлари кучли ва ўртacha шўрланган бошқа экин турлари яхши ҳосил бермайдиган ҳудудларида кунгабоқар экишини кўпайтириш хомашё базасини такомиллаштириш баробарида маҳсулот ассортиментини кўпайтириш имконини беради. 1 гектар ердан 30 центнер кунгабоқар олиниши ва 1 тонна қунгбоқардан 180-200 кг ёғ чиқишини ҳисобга олсак, вилоятда ўртacha 7-8 минг га маргинал ерда ушбу экин турини етиштириш лозимлиги аён бўлади.

Вилоятнинг чап қирғоқ қисмида 30 минг гектардан ортиқ захира (маргинал) ерлар мавжуд. Қўшкўпир, Шовот ва Гурлан туманларидағи ўртacha ва кучли шўрланган ерларида кунгабоқар экин турларини етиштириш

мақсадлидир. Фақатгина Хонқа ва Бофот туманларида бундай ерларнинг улуши 30 фоиздан кам, холос [3].

Вилоят чорвачилик тармоғида маҳсулот этиштиришни таҳлил қиласиган бўлсак, тармоқда гўшт, сут тайёрлаш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда, унинг аҳоли жон бошига йиллик ўсиш нисбати анча юқори (2018 йил 1991 йилга нисбатан мос ҳолда 10,3 ва 14,6 марта) ўсган бўлиб уларга саноат усулида ишлов бериш эса пастлигича қолиб келмоқда. Тайёрланаётган гўшт ва сут маҳсулотлари ички истеъмолдан анча ортиқ (1,6 ва 1,4) бўлишига қарамасдан, унинг мос равишда атиги 1 фоизига яқини саноат усулида қайта ишланади, холос. Ушбу ҳол вилоятнинг соҳа тармоқларида янги қувватларни ташкил этишни талаб этади. Айни вақтда гўшт маҳсулотлари сифатини яхшилаш вилоятда чорва наслчилиги борасидаги ишларни яхшилаш марказий транспорт ўқи бўйлаб бўрдоқичилик комплексларини ташкил этишни талаб этади. 2015 йилда Шовот туманида 1000 бош қорамол боқиладиган бўрдоқичилик мажмуаси ташкил этилди. Бу муаммони ечишдаги дастлабки амалга оширилган ишлардан бири саналади [5].

Сабзавот ва узум вилоятда ички истеъмолдан мос ҳолда 2,0 ва 2,6 марта ортиқдир. Дон маҳсулотлари ҳам (шоли ҳисобига) 1,3 марта ортиқдир. Аммо, уларнинг қайта ишлов берилиши даражаси анча паст [5]. Ушбу ҳол турли сок, мураббо, джем қаби қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкони юқори эканлигини кўрсатади. Айни вақтда вилоятдаги туман марказларида қуввати бир неча минг тонна мева, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат хом ашёсини сақловчи омборхоналар, совутгичларни барпо этиш рақобатбардош озиқ-овқат хом ашёси ва ярим тайёр маҳсулотини сақлаш ва экспортга чиқаришга имкон беради [5].

Бизнингча, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг биринчи босқичида вилоятдаги ўз фаолиятини тўхтатган консерва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тиклаш, шиша, қофоз идиш ҳамда пакетлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим. Шовот тумани Дўстлик, Бофот тумани Дехқонбозор фуқоралар йиғини ҳудудидаги ўз фаолиятини тўхтатган томат

паста ва консерва корхоналарини қайта тиклаш, барча туманларда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш, жойларда йирик иссиқхоналар фаолиятини қайта тиклаш, туман фермер ва дехқон хўжаликлари сабзавот ва полиз товар хўжалигини тиклаш лозим.

Вилоят ҳудудида ҳозирда аҳоли истеъмолидан ортиқча 200-220 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Ҳозирги кунда ушбу микдорнинг бор йўғи бир неча юз тоннасигина қайта ишланади, холос. Шу боис, вилоятда бутун республикадаги каби турли сабзавот ва томатлар уй шароитида консерваланилади. Истеъмолдан ортиқча 220-230 минг тонна сабзавот ва томатлардан 560,0 минг шартли банка (сок, шарбат, пюре, кетчуп ва соус) маҳсулотларининг ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш имкониятлари мавжуд. Консерва ишлаб чиқаришни барча туманларда ташкил этиш лозим. Энг янги технологиялар асосида кимёвий консервантсиз маҳсулотлар тайёрлаш ва тоза, табиий ва ҳалол маркалар рекламасини ташкил этиш лозимки, у ҳозирги даврда халқаро бозорда, масалан, республикамида етиштирилаётган сабзавот, полиз ва мева, узум каби юқори баҳоланишидан ҳам кўрсак бўлади [3].

Гўшт ва сут маҳсулотлари ишлов бериш технологияси ўзининг комбинациялашув жараёни юқорилиги билан ажralиб туради. Шу боис тармоқда ишлаб чиқаришни маълум даражада йирик корхоналарда тўплаш лозим. Чунки, кичик корхоналарда тор ихтисослашув бўлади ҳамда комбинацион зина кўп эмас ёки мавжуд бўлмайди. Ўрта ва йирик гўшт комбинатларида гўшт, колбаса маҳсулотлари, қайнатилган гўшт консерваси, қон ва қолдиқ суюклардан турли чорвачилик концентратлари ҳайвонларнинг маҳсус емишлари, елим каби ўнлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мумкин. Яқин келажакда собиқ Урганч гўшт комбинати (ҳозирги «Урганч гўшт» МЧЖ) қувватларини тўлиқ тиклаш лозим [2].

Худуд саноатлашуви ва урбанизациялашиб бориши баробарида ярим ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортади. Туман марказларида ва ҳудудларида иккинчи босқичда ҳам гўшт комбинатларини барпо этиш учун

шарт-шароитлар яратилади. Бу босқич вилоятнинг темир йўл ўтган марказий ривожланиш ўқи доирасида бўрдоқичилик мажмуалари ва гўшт комбинатларини барпо этиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати кластерини ривожлантириш босқичлари

Саноат тармоқлари	Саноат корхоналарини барпо этиш босқичи		
	I – босқич (2017-2022 йиллар)	II – босқич (2023-2027 йиллар)	III – босқич (2028-2032 йиллар)
Гўшт саноати	Урганч шаҳри, Урганч тумани	Туман марказлари	Фермер хўжаликлари қошида йирик қишлоқ хўжалик корхоналари
Сут саноати	Урганч шаҳри ва туман марказлари	Туман марказлари	Фермер хўжаликлари қошида йирик қишлоқ хўжалик корхоналари
Конверва (сабзавот)	Урганч шаҳридаги фаолиятини тўхтатган собиқ корхоналар базаси	Туман марказлари (Шовот, Хонқа, Боғот, Ҳазорасп, Хива)	Туман марказлари
Узум консерва	Боғот, Урганч, Ҳазорасп,	Хива, Хонқа, Гурлан	Янгибозор, Шовот, Қўшкўпир

Жадвал муаллифлар томонидан ишланган.

Сут саноати гўштга нисбатан узоққа ташиб бўлмаслиги билан фарқланади. Айни ҳолат ушбу саноат корхоналарини 30-50 км радиусга қулай иқтисодий-географик ўринга эга бўлган барча ҳудудларда барпо этиш лозим. Гўштдан фарқли ўлароқ, сутни 100 фоиз қайта ишлаш лозимки, бу аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда минтақада экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Маълумки, сут ва гўшт маҳсулотлари тез бузилувчан бўлганлиги сабабли уни узоқ вақт сақлаш имконияти чегараланган. Шу боис бозорлар расталарида уларни сотиш истеъмол талабларини тўла қаноатлантира олмайди. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- сут ва гўшт маҳсулотларини сақловчи музлатгичли омборларни замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш, яъни модернизация қилиш;
- аҳолига сут ва гўшт топширганларни учун тўлов тизимини намунали ташкил этиш, яъни кунлик тўловларни жорий этиш;

– сут ва гўшт савдосини амалга оширувчи шоҳобчаларда санитар меъёрларга риоя қилиши ва сифатли хизмат кўрсатишини назорат қилиш шулар жумласидандир.

Тармоқда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Яъни, мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, ташишдаги нобудгарчиликлар 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Агар маҳсулотларни сақлаш омборларининг йўқлиги ёки омборларнинг талабга жавоб бермаслигидан келиб чиқадиган йўқотишлиарни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 35-40 фоизгача бориб етади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Хоразм вилоятидаги мавжуд маҳсулотларни сақлаш омборларини талаб даражасига келтирилиши ва замонавий талабларга жавоб берувчи омборларни қуриш мақсадида ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш лозим [3].

Хуноса. Умуман олганда, ҳозирги кунда вилоятда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун имкониятлар катта. Фақат ушбу саноат тармогини ривожлантириш учун сармоялар йўналтириш кичик худудий ишлаб чиқариш кластерини шакллантириш лозим. Аҳоли сони ҳамда даромадлари йилдан йилга ортиб бораётган ҳозирги даврда соҳа қувватларини кучайтириш, имкон даражасида маҳаллийлаштириш катта аҳамиятга эга. Айниқса, Хоразм вилоятининг келгуси иқтисодий тараққиёти асосий йўналишларидан бири озиқ-овқат саноати ривожланиши билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда вилоятда 200-250 минг тонна сабзавот, 35-40 минг тонна гўшт, 160-170 минг тонна сут, 3,5-4 минг тонна узум маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини барпо этиш имконияти мавжуд. Айни вақтда ушбу қувватларни иқтисодиётга жорий этиш давомида бевосита ишлаб чиқаришда 45-50 минг янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Хоразм вилоятида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, хизматлар соҳасининг ривожланишига маълум даражада ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Бундай ўзгаришлар тармоқ мутахассисларини тайёрлаш

ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни илмий-иктисодий ташкил этиш билан ҳам боғлиқдир. Ушбу ҳол Урганч шаҳрида ташкил қилиниши таклиф этилаётган республика Кимё технологиялари университети филиали ёки вилоят кластерига хизмат қилувчи маҳсус политехник ва иктиносидий билимлар берувчи олий даргоҳ барпо этишни талаб этади ва ҳудудий кластер бўғинини яратишнинг асосий шартлари саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А.Г., Атаева Н.П., Гафурова М.Б. Проблемы усовершенствования территориального состава и отраслей пищевой промышленности Хорезмской области // European Applied Sciences Stuttgart. Germany – 2013. № 1. С. 184-186.
2. Абдуллаев А.Г. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати ҳудудий кластерини шакллантириш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 50-жилд. – Т., 2017. – Б. 131 – 136.
3. Абдуллаев А.Г. Озиқ-овқат саноати шаклланиши ва ривожланишининг иктиносидий географик хусусиятлари. – Урганч. “Қувончбек Машхура” МЧЖ нашриёти, 2021. – 136 б.
4. Содиков А.М. умумий таҳрири остида. Хоразм вилоятини ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш стратегияси. – Т.: IFMR, 2015. – 200 б.